

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИНГ УСТУВОР ЖИХАТЛАРИ

Ботир УЗОКОВ

доцент

Жиззах политехника институти

Жиззах, Ўзбекистон

botiruzokov1957@mail.ru

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистонни барпо этиш, умуминсоний қадриятларга асосланган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини ўз ичига олиб, у билан боғлиқ қадриятлар тизимининг устувор жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: Янги Ўзбекистон, жамият, фуқаролик жамияти, инновация, ислохотлар, қадриятлар, аксиология, инсон қадр, умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар.

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН И ПРИОРИТЕТНЫЕ АСПЕКТЫ СИСТЕМЫ ЦЕННОСТЕЙ

Ботир УЗОКОВ

доцент

Джизакский политехнический институт

Джизак, Узбекистан

botiruzokov1957@mail.ru

Аннотация

В статье показаны приоритетные аспекты системы ценностей, связанные с ней, в том числе процессы становления Нового Узбекистана, построения демократического государства, основанного на общечеловеческих ценностях, построения гражданского общества.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, общество, гражданское общество, инновация, реформы, ценности, аксиология, человеческие ценности, общечеловеческие ценности, национальные ценности.

Бугунги кунда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишдек, улуғ гоё ва мақсад йўлида халқимиз уюшган ҳолда астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу ҳақда сўз юритган Юртбошимиз Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайдилар: “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас. Балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий - ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир” [1].

Янги Ўзбекистонни барпо этиш эса, умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнини ўз ичига олгани учун ҳам бугунги кунда қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Бу борада қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона ва миллий қадриятларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, ислохот ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, мазкур жараён билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг умуминсоний мезонларига мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди. Уларни илмий-амалий жиҳатдан ҳал қилиш зарурати қадриятшуносликнинг кўплаб мавзуларини мутахассислар ва тадқиқотчилар учун долзарб вазифага айлантирди.

Қадрият тушунчасига илк бор Р.Лотце ва Г.Коген XIX асрнинг иккинчи ярмида фалсафий таъриф беришган. XX асрнинг бошида эса француз файласуфи П.Лапи қадриятлар назариясини ифодалаш учун “аксиология” (юнон. *axios* - қадрият, *logos* – фан, таълимот) атамасини муомалага киритди. Кейинчалик аксиология муаммолари феноменология, герменевтика, экзистенциализм ва бошқа фалсафий йўналишларнинг вакиллари томонидан тадқиқ этилди.

Қадриятлар тизими ва у билан боғлиқ мавзулар инсоният тарихий жараёнининг таркибий қисми сифатида, жамиятнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган ижтимоий воқеликнинг ўзига хос феноменидир. Ҳар бир тарихий босқич, инсоният ҳаётининг ҳар қандай даври ўзига хос қадриятлар ва қадриятлар тизимларига эга бўлиши, бу омилнинг давлатлар ва миллатлар тарихи ҳамда тақдирида улкан аҳамиятга эга эканлиги тараққиётнинг ўзига хос умумий қонуниятларида ифодаланади. Ушбу қонуният ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам алломалар ва мутафаккирлар, олимлар ва мутахассисларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бу борада кўплаб таълимотлар ва назариялар яратилган, хилма-хил қарашлар ва ёндашувлар шакллانган.

Мамлакатимизда “Аксиология – қадриятлар ҳақидаги фан сифатида”

XX асрнинг саксонинчи йилларидан эътиборан ривожлана бошлади. Бу дастлаб Х.Шайхова, Қ.Назаровлар ижодида миллий кадриятларнинг асосий шакллари, инсон кадри ва шахсий кадриятларнинг таҳлилида, сўнгра бир канча ёш олимлар ижодида ўз ифодасини топди. Хусусан, Қ.Назаров инсон кадри ҳақида фикр юритар экан, “Қариллик иборасини инсонга нисбатан биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон кадрига ва кадриятларига нисбатан ишлатиш, ножоиз. Зеро, қариллик қадрсизланиш бўлмагани каби ёшлик ҳам беқадрлик дегани эмас”, деб таъкидлайди [6].

Ушбу соҳадаги турли назариялар ва ёндашувларни умумлаштириш, ўз навбатида ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятнинг бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтиши билан бирга, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, мавжуд кадриятлар тизимида ҳам ўзига хос ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бериши ушбу жабҳага оид умумий жараён эканидан далолат беради.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлангани каби, “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш, устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат” [2].

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига хос умумий кадриятлар тизимининг барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар таъсирида ўзгариб ва янгиланиб бориши жараёнининг объектив қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан махсус мавзу сифатида тадқиқ қилиш ана шу методологик манбалар ва тарихий ҳужжатларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш йўлида амалга оширилаётган

ислоҳотларнинг бу йўналишдаги самарасини янада ошириш учун ҳозирги даврдаги мавжуд кадриятлар тизимини янада такомиллаштириш ва унинг янгилашни механизминини оптималлаштиришга доир яхлит концептуал илмий ишланмаларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Бу борадаги инновацион ёндашувлар ва уларни амалга оширишга хизмат қиладиган амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2017 йилги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” [4].

Ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятнинг бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтиши билан бирга, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, маънавий-маърифий кадриятлар тизимида ҳам ўзига хос ўзгаришлар ва янгилашнишлар рўй бериши ушбу жабҳага оид умумий қонуниятдир. Дунё глобаллашиб бораётган ва у билан боғлиқ турли муаммолар кўлами кенгаётган бугунги кунда ҳам ана шу умумаксиологик қонуният амалга ошмоқда ва бу бутун инсоният тараққиётининг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда, жаҳоннинг баъзи минтақаларида рўй бераётган беқарорликларнинг янада тифизлашиб бораётгани ва маънавий инқироз билан боғлиқ муаммоларнинг тобора кескинлашаётгани дунё халқларининг азалий анъаналари устувор бўлган умуминсоний кадриятлар тизимининг жадал ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бундай мураккаб ижтимоий-аксиологик жараёнларнинг глобал кадриятлар тизимида нисбатан интенсив таъсирини таъминлайдиган умумий қонуниятлар ва

унинг миллий хусусиятлари билан боғлиқ илмий изланишларга эътибор тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек: “Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттирмоқдамиз. Мамлакатимиз “Инсон қадрлари ва манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йўлидан дадил илгари бормоқда” [3].

Бу жиҳатдан, дунё миқёсида ниҳоятда мураккаб тарзда рўй бераётган глобал аксиологик жараёнларнинг Янги Ўзбекистон жамиятига хос маънавий-маърифий кадриятлар тизимида таъсирини чуқур ўрганиш, бу соҳада пайдо бўлаётган муаммоларнинг самарали ечимларини топиш эҳтиёжи кучайиб, ушбу йўналишдаги масалаларни тизимли тадқиқ қилиш вазифалари ниҳоятда долзарблашиб бормоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2022 йилги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганидек: “Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Беҳисоб шуқр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда. Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяпмиз” [5].

Ҳозирги даврда жамиятимиз кадриятлар тизимининг янгиланиши ва ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ушбу жараёнга таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлилида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом

эттириб, янги босқичга кўтарамиз”, “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”, “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз” каби асарлари, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, “Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси”, шунингдек, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” фармони муҳим аҳамиятга моликдир. Бу нуқтаи назардан, халқимизнинг истиқлолга эришиши, миллий давлатчилигини тиклаши ва мустақилликни мустаҳкамлаши натижасида жамиятимиз маънавий-маърифий кадриятлар тизимида рўй берган янгиланишлар жараёнининг йўналишлари ва асосий тамойилларини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг асарлари ижтимоий инновацион кадриятлар тизимини янада такомиллаштириш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Агар кадриятлар билан боғлиқ масалалар бевосита “Аксиология”нинг баҳс мавзуси сифатида қаралмаса, уларни ечишнинг илмий асосланган йўлларини топиш қийин. Бу мавзуга фақат “Фалсафа”, “Этика” ёки “Эстетика” фанлари нуқтаи назаридан қараш эса, етарли эмас. Демак, дунёвий фан бўлган “Аксиология” масалалари билан шуғулланиш зарурияти республикамизнинг жаҳон цивилизацияси ва илғор мамлакатлар сафига қўшилиш борасидаги ҳаракатлари кўзгусида янада долзарблашади.

Мухтасар қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий кадриятлар тизимини янада янгилаш механизминини ривожлантиришга доир яхлит концептуал назарий ишланмалар ва уларни амалга оширишга хизмат қиладиган амалий таклиф ва тавсияларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ижтимоий кадриятлар тизимини такомиллаштириш долзарб ва устувор мавзулардан бирига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189 (6883).
3. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. //Янги Ўзбекистон, 2023 йил, 20 сентябрь, № 192 (981).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
6. Назаров Қ.Н. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент: ЎФМЖ, 2011.